



**New Day in Medicine**  
**Новый День в Медицине**

**NDM**



# **TIBBIYOTDA YANGI KUN**

**Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal**



**AVICENNA-MED.UZ**



ISSN 2181-712X.  
EiSSN 2181-2187

**11 (49) 2022**

**Сопредседатели редакционной коллегии:**

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,  
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

**Ред. коллегия:**

М.И. АБДУЛЛАЕВ  
А.А. АБДУМАЖИДОВ  
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ  
М.М. АКБАРОВ  
Х.А. АКИЛОВ  
М.М. АЛИЕВ  
С.Ж. АМИНОВ  
Ш.Э. АМОНОВ  
Ш.М. АХМЕДОВ  
Ю.М. АХМЕДОВ  
Т.А. АСКАРОВ  
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)  
Е.А. БЕРДИЕВ  
Б.Т. БУЗРУКОВ  
Р.К. ДАДАБАЕВА  
М.Н. ДАМИНОВА  
К.А. ДЕХКОНОВ  
Э.С. ДЖУМАБАЕВ  
А.Ш. ИНОЯТОВ  
С. ИНДАМИНОВ  
А.И. ИСКАНДАРОВ  
С.И. ИСМОИЛОВ  
Э.Э. КОБИЛОВ  
Д.М. МУСАЕВА  
Т.С. МУСАЕВ  
Ф.Г. НАЗИРОВ  
Н.А. НУРАЛИЕВА  
Б.Т. РАХИМОВ  
Ш.И. РУЗИЕВ  
С.А. РУЗИБОЕВ  
С.А. ГАФФОРОВ  
Ж.Б. САТТАРОВ  
Б.Б. САФОЕВ (отв. редактор)  
И.А. САТИВАЛДИЕВА  
Д.И. ТУКСАНОВА  
М.М. ТАДЖИЕВ  
А.Ж. ХАМРАЕВ  
А.М. ШАМСИЕВ  
А.К. ШАДМАНОВ  
Н.Ж. ЭРМАТОВ  
Б.Б. ЕРГАШЕВ  
Н.Ш. ЕРГАШЕВ  
И.Р. ЮЛДАШЕВ  
М.Ш. ХАКИМОВ  
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)  
DONG JINCHENG (Китай)  
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)  
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)  
В.А. МИТИШ (Россия)  
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)  
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)  
А.А. ПОТАПОВ (Россия)  
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)  
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)  
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)  
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)  
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН  
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ  
NEW DAY IN MEDICINE**

**Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал  
Научно-реферативный,  
духовно-просветительский журнал**

**УЧРЕДИТЕЛИ:**

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ  
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ  
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский  
исследовательский центр хирургии имени  
А.В. Вишневского является генеральным  
научно-практическим  
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных  
изданий, рецензируемых Высшей  
Аттестационной Комиссией  
Республики Узбекистан  
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

**РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:**

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)  
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)  
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)  
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)  
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)  
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)  
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)  
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)  
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)  
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)  
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

**11 (49)**

**2022**

*ноябрь*

Received: 10.10.2022  
Accepted: 21.10.2022  
Published: 10.11.2022



УДК 616.892–086:615.215

## ШИЗОФРЕНИЯ КАСАЛЛИГИДА КОГНИТИВ ДИСФУНКЦИЯНИ ТУРЛИ ДАРАЖАДАГИ РУХИЙ НУҚСОН ИФОДАЛАНИШИ БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ

Ходжаева Н.И., Кўчкоров У.И.

Тошкент давлат стоматология институти  
Бухоро давлат тиббиёт институти

### ✓ Резюме

Шизофрения билан оғриған беморларда турли даражадаги руҳий нуқсонлар билан дикқат, хотира, идрок, фикрлаш ва интизом бузилишининг ифодаланиши ўртасида боғлиқлик аниқланди. Жами 126 нафар бемор текширилиб, асосий гуруҳга параноид шизофрения ташхиси қўйилган 96 бемор ва назорат гуруҳига шизофрения спектрининг бузилиши билан оғриған 30 бемор кирди. Руҳий нуқсоннинг оғирлиги билан когнитив функцияларнинг бузилиши ўртасидаги боғлиқлик баҳоланиб, дикқатнинг енгил даражада пасайиши, мнестик функциянинг ўртача даражасага пасайиши, умумлаштириши даражасининг ўртача даражасага сусайиши аниқланди. Беморларда умумлаштириши жараёнининг ўртача даражада бузилиши, фикрлашнинг мотивацион-шахсий компонентининг енгил даражада бузилиши, танқидийлик даражасини ўртача даражасага сусайиши кузатилди. Шизофрения билан оғриған беморлар шизофрения спектрининг бузилишидан азият чекаётган беморлар билан солиштирганда, когнитив дисфункциялар кўпроқ намоён бўлиши кузатилиб, фикрлаш бузилишлари биринчи ўринга чиқди. Руҳий нуқсоннинг турли даражадаги ифодаланганлигига когнитив дисфункциялар намоён бўлиши бир хил эмаслиги аниқланди. Шизофрения билан оғриған беморларда эътибор ва мнестик функциянинг ўртача даражада пасайиши ва фикрлашнинг мотивацион-шахсий компонентининг ўртача даражада бузилиши билан умумлаштириши даражасининг пасайиши кузатилди.

Калит сўзлар: хотира, дикқат, идрок, фикрлаш, интизом, ақлий нуқсон, шизофрения.

## ВЗАИМОСВЯЗЬ КОГНИТИВНЫХ ДИСФУНКЦИИ ПРИ РАЗНОЙ СТЕПЕНИ ВЫРАЖЕННОСТИ ПСИХИЧЕСКОГО ДЕФЕКТА У БОЛЬНЫХ ШИЗОФРЕНИЕЙ

Ходжаева Н.И., Кўчкоров У.И.

Ташкентский государственный стоматологический институт,  
Бухарский государственный медицинский институт

### ✓ Резюме

Целью настоящего исследования было определение нарушения внимания, памяти, восприятия, мышления и исполнительной функции при разной степени выраженности психического дефекта у больных шизофренией. Обследовано 126 больных, в основную группу включено 96 больных с диагнозом параноидная шизофрения, а контрольную группу 30 больные, страдающие расстройствами шизофренического спектра. При умеренной степени выраженности психического дефекта выявлено такие нарушения когнитивных функций, как: снижение внимания в легкой степени, снижение мнестической функции в умеренной степени, снижение уровня обобщений в умеренной степени, искашение процесса обобщений в умеренной степени, нарушение мотивационно-личностного компонента мышления в легкой степени, снижение уровня критичности в умеренной

*степени. При шизофрении в сравнении с расстройствами шизофренического спектра когнитивные дисфункции носят более выраженный характер и на первый план выступают нарушения мышления. Когнитивные дисфункции при разной степени выраженности психического дефекта носят не равномерный, а дифференцированный характер. Больные шизофренией с выраженной степенью психического дефекта отличаются снижением внимания и мnestической функции в умеренной степени и снижением уровня обобщений с нарушением мотивационно-личностного компонента мышления в умеренной степени.*

*Ключевые слова: память, внимания, восприятия, мышления, исполнительная функция, психический дефект, шизофрения.*

## **INTERRELATION OF COGNITIVE DYSFUNCTIONS WITH DIFFERENT DEGREE OF EXPRESSION OF MENTAL DEFECT IN PATIENTS WITH SCHIZOPHRENIA**

*Khodjaeva N.I., Kuchkarov U.I.*

Tashkent State Dental Institute  
Bukhara State Medical Institute

### **✓ Resume**

*The aim of this study was to determine the impairment of attention, memory, perception, thinking and executive function with varying degrees of mental defect in patients with schizophrenia. 126 patients were examined, the main group included 96 patients diagnosed with paranoid schizophrenia, and the control group consisted of 30 patients suffering from schizophrenia spectrum disorders. The severity of the mental defect was determined on the basis of the decision of the medical commission. With a moderate degree of severity of a mental defect, such impairments of cognitive functions were revealed as: a decrease in attention to a mild degree, a decrease in mnestic function to a moderate degree, a decrease in the level of generalizations to a moderate degree, a distortion of the process of generalizations to a moderate degree, a violation of the motivational-personal component of thinking in a mild degree, reducing the level of criticality to a moderate degree. In schizophrenia, in comparison with schizophrenia spectrum disorders, cognitive dysfunctions are more pronounced and thinking disorders come to the fore. Cognitive dysfunctions with varying degrees of severity of a mental defect are not uniform, but differentiated. Patients with schizophrenia with a pronounced degree of mental defect are distinguished by a decrease in attention and mnestic function to a moderate degree, a decrease in the level of generalizations and a distortion of the process of generalizations to a pronounced degree, a violation of the motivational-personal component of thinking to a moderate degree, a decrease in the level of criticality to a pronounced degree.*

*Key words: memory, attention, perception, thinking, executive function, mental defect, schizophrenia.*

### **Долзарбилиги**

**К**огнитив бузилишлар Э.Крепелин ва Е.Блейлер ишларида тасвирланган бўлиб, шизофрения касаллигидаги позитив ва негатив симптомлар баробарида алоҳида психопатологик бузилишлар кластери сифатида ажралиб туради, ҳамда ижтимоий мослашувни мураккаблаштирадиган ва бир қатор иккиласмчи бузилишлар ва ногиронликка олиб келадиган психопатологик бузилишларнинг таркибий қисмларидан бири хисобланади [1,2,3]. Шизофрения касаллигига интеллектнинг пасайишини, фикрлашнинг бузилишини ва шахс хусусиятларининг ўзгаришини касалликнинг навбатдаги негатив белгилари сифатида ҳам англаса бўлади [4,5]. Ҳаёт фаолиятидаги чекланишлар ва ижтимоий жиҳатдан мослашув даражасининг бузилиши, беморлардаги хиссий-иродавий, когнитив бузилишларнинг оғирлик даражасини ажратиш, уларни даволаш ва реабилитациясида алоҳида аҳамиятга эга. Шизофрения билан оғриган беморларда когнитив функцияларнинг бузилишини моҳияти ва уларнинг пайдо бўлиш сабабларини аниқлаш учун патопсихологик ёндашув билан патологияни

оғирлигини баҳолаш етарли даражада ишлаб чиқилмаган [6,7]. Шу сабабли шизофрения касаллигидаги когнитив дисфункцияни беморлар хаётидаги ўрни, аҳамиятини ўрганиш, турли даражадаги руҳий нуқсоннинг ифодаланиши билан боғлиқлигини аниқлаш ва даволаш чораларини кўриш ҳозиргача долзарблигича қолмоқда.

Тадқиқотнинг мақсади шизофрения касаллигидаги касалликнинг кечиши ва руҳий ҳолатдаги нуқсоннинг турли даражада ифодаланганлигига қараб когнитив бузилишларни баҳолаш ҳамда даволаш самарадорлигини ошириш.

### Тадқиқот материал ва усуллари

Текширувга КХТ-10 (Касалликларнинг халқаро таснифи) бўйича Параноид шизофрения (F 20.0) ташхиси қўйилган 96 нафар руҳий нуқсони енгил, ўрта ва оғир даражада ифодаланган тенг сондаги 25-40 ёшли беморлар олинди. Руҳий нуқсоннинг оғирлик даражаси врачлар комиссия қарорига асосан аниқланди. Барча беморлар соматик жиҳатдан соғлом бўлиб, шизофрения касаллигининг ремиссия даврида текширувга жалб қилинди. Тадқиқот мавзуси турли даражадаги руҳий нуқсонли шизофрения билан оғриган беморларда когнитив функцияларни (дикқат, хотира, фикрлаш) баҳолашдан иборат бўлди. Шизофрения билан оғриган беморларда когнитив дисфункциянинг хусусиятларини ўрганишда қиёсий таҳлилни ўтқазиш учун шизофрениядан азият чекаётган шизоаффектив ёки шизотипик бузилиши бор бўлган 30 нафар бемор назорат гурухига олинди. Когнитив функцияларни ўрганишда Шульте жадваллари, 10 та сўзни эслаш, сонларни эслаш, "Объектларни ортиқасини белгилаш", "Эббингаус тести", "Тушунчаларни таққослаш", "Мақоллар" каби экспериментал психологик усуллардан фойдаланилди. Кўрсаткичлардаги фарқларнинг ишончлилиги Манни-Уитни У-мезон, Фишер бурчакли трансформацияси ва Пирсон Х<sup>2</sup>-синамаси ёрдамида аниқланди. Математик-статистик ишлов бериш SPSS 11.5 дастурлар орқали замонавий компьютер базасида амалга оширилди.

### Натижга таҳлиллар

Шизофрения билан оғриган беморлардаги психопатологик бузилишлар уларнинг ижтимоий жиҳатдан мослашувини бузилишига сабаб бўлади. Текширувимизга руҳий нуқсон даражаси аниқ бўлган шизофрения билан оғриган беморларда когнитив бузилишлар текширилиб, уларда когнитив дисфункциянинг хусусиятлари аниқланди. Шизофрения ва шизоаффектив бузилиш ташхиси қўйилган беморларда когнитив дисфункциянинг беморлардаги руҳий нуқсонни намоён бўлиш даражаси билан боғлиқ ҳолда қиёсий ўрганилиб чиқилди. Шизофрения билан оғриган беморлар учун дикқат, қисқа ва узок муддатли хотиранинг енгил даражага пасайиши, ёдлаш жараёнининг сустлиги ва ҷарчали, фикрлаш динамикасининг ўртача, умумлаштириш жараёнининг яққол даражада бузилиши хос бўлди. Шизофрения билан оғриган беморларда когнитив функциялар шизоаффектив бузилишлар спектри бўлган беморларга нисбатан анча камайганлиги кўринди. Шизоаффектив бузилишларда хотира ва дикқат учун меъёрий кўрсаткичларнинг устунлиги, енгил даражадаги фикрлаш динамикасининг бузилиши, умумлаштириш жараёнининг енгил ва ўртача даражада бузилиши кузатилди (1-жад.).

1-жадвал

#### Шизофрения ва шизоаффектив бузилишлар спектри бўлган беморларда когнитив дисфункцияларни қиёсий таҳлили

Симптомлар	Кўрсаткичлари йигиндиси		Ишонч-лилик даражаси
	A <sub>1</sub> гурухи (n=32)	A <sub>2</sub> гурухи (n=32)	
Қисқа муддатли хотира	4150	2383	P<0,01
Узок муддатли хотира	4028	2531	P<0,05
Ёдлаш жараёнининг етишмовчилиги	4764	1579	P<0,01
Фикрлаш жараёнининг сусайиши	4654	1688	P<0,05
Фикрлаш жараёни динамикаси	4811,5	1537,5	P<0,01
Умумлаштириш жараёнининг бузилиши	4777	1558	P<0,01
Диккатнинг пасайиши ва тарқоқлиги	4843	1400	P<0,01

Изоҳ: A<sub>1</sub> - руҳий нуқсоннинг енгил /енгил / ўртача оғирлик даражаси;

A<sub>2</sub> - руҳий нуқсоннинг ўртача /оғир / яққол оғирлик даражаси.

**2-жадвал****Шизофрения билан оғриган беморларда енгил ва ўртача оғирлик даражадаги рухий нұқсон бўлганда когнитив дисфункцияларни қиёсий таҳлил қилиш**

Кўрсаткичлар	Кўрсаткичлари йигиндиси		Ишончлили к даражаси
	A <sub>1</sub> гурӯҳи (n= 32)	A <sub>2</sub> гурӯҳи (n=32)	
Қисқа муддатли хотира ҳажми	176,5	439	P<0,01
Аниқлилик	1-усул	112,4	P<0,01
Асослилик	1-усул	169	P<0,01
	2-усул	157	P<0,05
Танқидийлик		81	P<0,05
Дикқат, эътиборлилик		50,4	P<0,01

*Изоҳ:* 1-усул - "предметларни ажратиб ташлаш";

2-усул - "тушунчаларни таққослаш";

*A<sub>1</sub>-гурӯҳ-рухий нұқсони енгил даражадаги беморлар;*

*A<sub>2</sub>-гурӯҳ-рухий нұқсони ўртача оғирликдаги беморлар.*

Рухиятдаги нұқсонлари енгил даражада ифодаланган шизофрения билан оғриган беморлар ўрганилганда когнитив дисфункцияларни хусусиятлари ўртача ва оғир даражадаги рухий нұқсон намоён бўлиши билан бўлган беморлардан кўра кўп маълумотлар аниқланди. Енгил ва яққол ифодаланган рухий нұқсонда когнитив функциялар ҳолатини таққосланганда дикқат, қисқа муддатли ва узок муддатли хотира енгил даражадаги рухий нұқсонли беморларда кўпроқ сақланиб қолганлиги ва меъёрий кўрсаткичларга мос келиши аниқланди (2-жад.).

Текширувимизнинг кейинги босқичида шизофрения билан оғриган беморларда рухий нұқсоннинг ўртача даражадаги намоён бўлишида когнитив бузилиш ўрганилди. Шизофрения билан оғриган беморларда рухий нұқсоннинг ўртача даражадаги ифодаланганлиги билан рухий нұқсоннинг оғир даражадаги намоён бўлишида когнитив бузилишларнинг қиёсий ташхисоти баҳоланди (3-жад.).

**3-жадвал****Ўртача ва оғир ифодалангани рухий нұқсонда когнитив дисфункцияларни қиёсий таҳлили**

Кўрсаткичлар	Даражалар йигиндиси		Фарқларнинг ишончлилиги
	Гурӯҳ A <sub>2</sub> (n=32)	Гурӯҳ A <sub>3</sub> (n=32)	
Узок муддатли хотира ҳажми	1619	2395	P<0,05
Умумлаштириш жараёнини бузилиши	1039	3047	P<0,05
Асослилик	1029	3056	P<0,05
Дикқат	919	3169	P <0,01

*Изоҳ:* A<sub>2</sub> – гурӯҳ - рухий нұқсоннинг ўртача оғирликдаги даражасига эга беморлар;

A<sub>3</sub> – гурӯҳ - рухий нұқсоннинг яққол оғирлик даражасига эга беморлар.

Рухий нұқсоннинг ўртача даражадаги ифодаланганлиги билан когнитив дисфункциялар дикқатнинг енгил даражага пасайиши, мнестик ва умумлаштириш даражасининг ўртача даражага пасайиши, фикрлашнинг мотивацион ва шахсиятнинг енгил даражада бузилиши, танқидийлик даражасининг ўртача даражада пасайиши кўринишда намоён бўлди.

Рухий нұқсони ўртача ва яққол оғирликдаги беморларда когнитив функциялар ҳолатини қиёсий таҳлил қилишда дикқатнинг ҳолати, узок муддатли хотира иккала гурӯҳда ҳам сезиларли даражада фарқ қилиши аниқланди. Ўртача даражадаги рухий нұқсон билан бўлган беморларда умумлаштириш жараёнини бузилишлари содир бўлиш частотаси яққол даражадаги рухий нұқсони бор беморлар гурӯхига караганда анча пастлиги, шунингдек ўртача даражадаги рухий нұқсонли шахслар гурӯхида акл-идрок пасайиши ҳолатлари сезиларли



даражада рухий нүксон даражаси яққол бўлган гурухга қараганда қўпроқ намоён бўлганлиги кузатилди.

Рухий нүксоннинг яққол ифодаланиш даражаси билан дикқатнинг ўртача пасайиши, мистик функцияниг ўртача пасайиши, умумлаштириш жараёнининг аниқ даражада бузилиши, фикрлашнинг мотивацион ва шахсий таркибий қисмининг бузилиши ўртача даражада ифодаланган рухий нүксонда танқид ва дикқатнинг яққол даражадаги пасайиши кузатилди (4-жад.).

#### 4-жадвал

##### Турли даражадаги рухий нүксон ифодаланган гурухлардаги когнитив дисфункциялар дискриминант таҳлил қўрсаткичлари

Функция	1-гурух (n=32)	2-гурух (n=32)	3-гурух (n=32)	P
Рухий нүксоннинг енгил даражадаги оғирлиги	-0,514	-0,262	0,997	0,001
Рухий нүксоннинг ўртача даражадаги оғирлиги	-0,889	0,223	-0,101	0,05
Рухий нүксон оғирлигининг яққол даражада ифодаланиши	0,684	0,425	-0,375	0,001

1-гурухда (рухий нүксоннинг енгил даражадаги оғирлиги бўлган беморлар) биринчи ва иккинчи функцияларнинг салбий натижалари билан ифодаланади, 2—гурухда (рухий нүксоннинг ўртача даражадаги оғирлиги) - биринчи функциянинг салбий ва иккинчисининг ижобий натижаси; 3-гурухда (рухий нүксон оғирлигининг яққол даражада ифодаланиши) — биринчи ва иккинчи фаолиятнинг натижаларини ижобий бўлишини таъминлайди.

1-фаолият "фикрлашнинг мотивацион ва шахсий компоненти" ва "фикрлаш динамикаси" кўрсаткичлари билан белгиланади, улар кўпроқ информативликка эга, 2-фаолият эса "умумлаштириш жараёнининг бузилиши", "дикқат", "хотира" кўрсаткичларининг бузилиши билан белгиланади (5-жадвалда бу кўрсаткичларнинг информативлик даражаси билан кўрсатилади максимумдан минимумгача).

#### 5-жадвал

##### Рухий нүксоннинг оғирлиги ва когнитив функциялар орсидаги боғлиқлик

Кўрсаткичлар	1-фаолият	2-фаолият
Фикрлаш динамикаси	0,589	0,289
Умумлаштириш функцияси	-0,207	0,812
Дикқатнинг фаоллиги	0,308	-0,529
Хотира аниқлилиги	0,122	-0,271
Мотивацион ва шахсий компонент	0,621	0,182

Шизофрения касаллиги шизофрения спектрининг бузилиши (шизоаффектив ва шизотипик бузилишлар) билан таққосланганда, когнитив дисфункциялар янада яққолроқ кузатилиб, фикрлаш бузилиши биринчи ўринга чиқди. Рухий нүксоннинг турли даражадаги ифодаланишлари билан когнитив функцияларнинг бузилишларини ифодаланиши бир хил эмаслиги аниқланди.

Шизофрения билан оғриган беморлар учун энг характерли когнитив дисфункциялар: дикқатнинг пасайиши – 55,8% беморда, кисқа ва узоқ муддатли хотиранинг пасайиши – 45,3% беморда, ёдлаш жараёнининг етишмаслиги ва чарчаши – 53,4% беморда, фикрлаш динамикасининг ўртача даражада бузилиши ва умумлаштириш жараёнининг яққол даражада бузилиши – 56,9% беморда кузатилди. Шизоаффектив ва шизотипик бузилишларда эса эътиборсизлик ва хотира жараёни бузилишларида меъёрий қадриятларнинг устунлиги – 44,2% беморда, фикрлаш динамикасининг енгил даражада бузилиши – 46,5% беморда, умумлаштириш жараёнининг енгил/ўртача даражада бузилиши – 61,6% беморда кузатилиб, шизофрениянинг ремиссия давридаги психопатологик қолдик асоратлар ичida асосий ўрин эгаллади.

Рұхий нұқсоннинг турли даражадаги ифодаланиши билан когнитив дисфункциялар намоён бўлишининг ўзаро боғликлиги ва ўзига хослиги аниқланди. Рұхий нұқсоннинг енгил даражадаги ифодаланишида асосан фикрлаш бузилиши кузатилди. Шизофренияда диққат ҳажмнинг пасайиши, узок муддатли хотира, диққат, қисқа муддатли хотира норматив кўрсаткичларга билан енгил даражада бузилиш 48,7% беморда кузатилди. Ўртача даражада ифодаланган когнитив бузилишларда рұхий нұқсоннинг жиддийлиги, диққатнинг бироз пасайиши, мнестик дисфункция ўртача даражада бўлиши ёки пасайиши, умумлаштириш жараёнини ўртача даражада бузилиши эса 37,2% беморда, оғир даражадаги ифожаланган яққол рұхий бузилишлар 15,1% беморда кузатилди.

### Хулоса

Когнитив дисфункцияларнинг ўзига хослиги рұхий нұқсоннинг турли даражадаги ифодаланлиги билан аниқланади: енгил даражаги рұхий нұқсонда когнитив бузилишлар енгил даражада пасайиши билан тавсифланади. Шизофрения билан оғриган беморларда когнитив дисфункциялар шизоаффектив ва шизотипик бузилишлардан кўра кўпроқ намоён бўлади. Беморларда когнитив дисфункцияларнинг ўзига хос хусусиятлари шизофрения спектри бузилган беморлар билан таққослаганда шизофренияда диққатнинг пасайиши, қисқа муддатли ва узок муддатли хотира енгил даражада, етишмовчилик ва ҷарчоқ, ёдлаш жараёни, фикрлаш динамикаси ўртача даражада бузилганлиги яққол кўринди. Шизофрения билан оғриган беморлар яққол ифодаланиш даражасига эга рұхий нұқсон бўлганда диққатнинг пасайиши ва мнестик фаолиятнинг пасайиши билан ажралиб турди. Ўртача даражада ифодаланган рұхий нұқсон бўлган беморларда умумлаштириш, мотивация ва фикрлашнинг пасайиши шахснинг танқидий муносабатлари ва яшаш сифатига кам даражада таъсир қилиши аниқланди.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Балин В.Д., Петров М.В. Фрактальная модель построения картины мира и ее нарушения у больных шизофренией // Вестник СПбГУ. Сер. 16. – 2016. – № 2 – С. 16-26.
2. Гвоздецкий А.Н., Даева Н.А., Петров М.В., Федотова Е.В. Характеристика когнитивного функционирования больных шизофренией и аффективными нарушениями // Акт. вопр. эксперимент. и клин. медицины – 2014: Тезисы LXXV научно-практической конференции. – СПб.: из-во СПбГМУ, 2014. – С. 94.
3. Дутов В.Б., Петров М.В. Применение нейрокогнитивного тренинга при шизофрении и расстройствах шизофренического спектра в условиях дневного стационара // Психотерапия и психосоциальная работа в психиатрии. – СПб.: Таро, 2013. – С. 140-143.
4. Ершов Б.Б., Тагильцева А.В., Петров М.В. Современные исследования когнитивного дефицита при аффективных расстройствах: нейропсихологический подход (обзор литературы) // Вестник ЮУрГУ. Серия «Психология». – 2015.–Т. 8. № 3.– С. 65-76.
5. Колчев А.И., Гвоздецкий А.Н., Даева Н.А., Петров М.В. Нейропсихологическая оценка когнитивного функционирования при дифференциальной диагностике аффективных расстройств // Вестник Психотерапии. – 2015. – Т. 53. № 59. – С.61-70.
6. Локоткова М.А., Петров М.В. Возможности диагностики нарушений исполнительских функций при шизофрении. // Психология XXI века: пути интеграции в международное научное и образовательное пространство: Материалы XVII международной научно-практической конференции молодых ученых. – СПб.: Скифия-принт, 23 2013. – С. 93-95.
7. Petrov M., Dutov V., Ershov B., Kipyatkov., Daeva N., Gvozdetskii A. Neuropsychological assessment of cognitive functioning of patients with paranoid schizophrenia and recurrent depressive disorder. // Donders discussions. Nijmegen: A conference for PhD students in cognition and neuroscience. – Nijmegen: Donders Institute, 2014. – P. 121.

Қабул қилинган сана 10.10.2022